

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

МУХАММАДИЕВ ЗАРРУХ УМАРОВИЧ

КОРХОНАЛАРДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИ ВА
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Огловления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Economical sciences**

Мухаммадиев Заррух Умарович

Корхоналарда модернизация жараёнлари ҳисоби ва аудитини
такомиллаштириш..... 3

Мухаммадиев Заррух Умарович

Совершенствование учета и аудита процессов модернизации на
предприятиях 27

Mukhammadiev Zarrukh Umarovich

Improving accounting and auditing processes modernization at enterprises 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

МУХАММАДИЕВ ЗАРРУХ УМАРОВИЧ

КОРХОНАЛАРДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИ ВА
АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt388 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Уразов Комил Бахрамович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Кўзиев Ислон Насъатович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Махсудов Бегматжон Юлдашалиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» 03 куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (178 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 02 куни тарқатилди.
(2021 йил «17» 02 даги 12 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда давлатлар иқтисодиётининг асосий бўғини бўлган корхоналарни модернизациялашга бўлган талаб борган сари ошиб бормоқда. Бунга сабаб шундаки, корхоналарни модернизациялаш ҳар қандай давлатда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), меҳнат унумдорлиги ва самадорлиги, яратилаётган моддий бойликлар сифати, рақобатбардошлиги ва экспортбоплиги, шунингдек аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, камбағалликни камайтиришнинг муҳим омили ва гарови ҳисобланади. Маълумотларга кўра, «АҚШ ва Европа мамлакатлари айнан корхоналарни модернизациялаш эвазига аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача ЯИМнинг табиий ресурслар ва арзон ишчи кучидан фойдаланиш асосида ривожланаётган мамлакатларга нисбатан қарийб 40 баробар ошишига эришган»¹. Корхоналарни модернизациялашни умумдавлат аҳамиятига моликлиги ушбу муҳим жараённи миқдор жиҳатдан баҳолаш ва сифат жиҳатдан тавсифлаш ҳамда назорат қилиш воситалари бўлган ҳисоб ва аудитни ҳам ахборот фойдаланувчилар талаблар асосида такомиллаштиришни зарурат қилиб қўймоқда.

Жаҳон амалиётида корхоналарни модернизациялаш жараёнлари ҳисоби ва аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилган. Чунончи, корхоналарда асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга сарфлар, уларни баҳолаш ва ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш, мазкур жараёнларни халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувларидан ўтказиш, инвестицион лойиҳалар самарадорлигига аудиторлик баҳосини бериш борасида диққатга молик билим ва тажрибалар тўпланган. Шу билан бирга модернизациялаш жараёнлари бўйича ҳисоб ва аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш, улар асосида миллий ҳисоб ва аудит тизимларини янада такомиллаштириш долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлган корхоналарни модернизациялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Корхоналарни модернизациялаш бўйича белгиланган ушбу устувор режалар республикамизда шу пайтгача шакллантирилган бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларини янада такомиллаштиришни, чунончи уларнинг корхоналарда амалга оширилаётган модернизациялаш турлари, йўналишлари, молиялаштириш манбалари тўғрисида мулк эгалари, инвесторлар, давлат органларига ахборот бериш имкониятларини кенгайтиришни, назорат ва таҳлил функцияларини кучайтиришни, ташқи инвестицияларни кенг қўламда ва катта миқдорларда жалб қилишга эришиш мақсадида ҳисоб ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Булар, мос равишда, ушбу долзарб мавзуда чуқур илмий-тадқиқотларни олиб боришни тақоза этмоқда.

¹Современные процессы модернизации экономики зарубежных стран. – Москва, ИМЭМО РАН, 2012, стр.10.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини» Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида», 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Модернизациялашнинг категория, мақсад, тараққиёт омили, жараён сифатидаги мазмун-моҳияти, уни турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, техник, технологик соҳаларда амалга ошириш шартлари, йўллари, омиллари, бу жараён натижаларини макро ва микро даражаларда ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни баҳолаш мезонлари ва тартиблари хорижлик ва республикамиз олимлари В.Цапф, Э.Гидденс, В.Ю.Кононова, М.А.Можейко, Д.В.Ефременко, Е.Ю.Мелешкина, С.А.Ермаханова, М.В. Штепа, М.Қ.Пардаев, А.В.Ваҳобов, Г.Х.Разикова, Ш.Х.Хажикакиев, Н.М.Махмудов, Д.Н.Акабирова ва бошқалар² томонидан тадқиқ этилган ҳамда улар томонидан чоп этилган

²В.Цапф. Теория модернизации и различие путей общественного развития // Социологические исследования. -1998.-№ 8.-С.14; Э.Гидденс. Последствия модернити // Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. — М., 1999. — С. 101—122; В.Ю.Кононова. Модернизация производственных систем на российских промышленных предприятиях: современное состояние и перспективы. // Российский журнал менеджмента, Т. 4, № 4, 2006; М.А.Можейко. Модернизация // Новейший философский словарь. / Гл. ред. А.А.Грицанов. 3-е изд., исправл. — Мн., 2003; Д.В.Ефременко., Е.Ю.Мелешкина. Теория модернизации о путях социально-экономического развития (рус.) // Социологические исследования. — 2014. — № 6. — С. 3-12; С.А.Ермаханова. Теория модернизации: история и современность // Актуальные проблемы социально-экономического развития: взгляд молодых ученых. — Новосибирск, 2005. — Разд. 2. — С. 233—247 М.В.Штепа. Модернизация предприятий в условиях конкуренции и ограниченности финансовых ресурсов (на материалах машиностроительных и газотранспортных предприятий Ставропольского края). Автореф.дисс.на соис.уч.степ.к.э.н- М, 2013; М.Қ.Пардаев ва бошқалар. Модернизация, диверсификация ва инновация-иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. – Т.Наврўз, 2014. М.Қ.Пардаев ва бошқалар. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишлари. – Самарқанд, 2019; А.В.Ваҳобов., Г.Х.Разикова. Модернизация экономики. Т., 2014. – 157 с.;А.В.Ваҳобов., Г.Х.Разикова., Ш.Х.Хажикакиев. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики / Под ред. д.э.н., проф.А.В.Ваҳобова-Т.: Молия, 2011. – 300 с.; А.В.Ваҳобов., Ш.Х.Хажикакиев., Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув

илмий ишлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда ўз аксини топган.

Асосий воситаларни куриш, сотиб олиш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш орқали модернизациялаш, ушбу жараёнлар ҳисобини юритиш ва аудитини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиблари хорижий олимлар К.Друри, М.Н.Ароора, Э.Аткинсон, Э.А.Гончарова, Врублевский, В.Ф.Палий, А.Д.Шеремет, Н.П.Барышников, шунингдек республикамиз таниқли иқтисодчи олимлари Р.Д.Дўсмуратов, Ш.И.Илҳомов, И.Н.Исманов А.А.Каримов, М.Қ.Пардаев, С.Н.Ташназаров, А.Ж.Туйчиев, И.Н.Қўзиев, З.Н.Қурбанов, К.Б.Уразов, ва бошқалар³ томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва чоп этилган ишларда ўз аксини топган.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, корхоналарни модернизациялаш жараёнлари, уларнинг натижалари, бу жараёнларга киритилаётган инвестицияларнинг йўналишлари ва молиялаштириш манбалари ҳисоби ҳамда аудити муаммолари комплекс тарзда махсус тадқиқ этилмаган. Турли тармоқ ва соҳага кирувчи субъектларда юритилаётган ҳисоб сиёсати ва амалга оширилаётган аудиторлик текширувларини ўрганиш ушбу борада ўз ечимини кутаётган турли назарий ва методологик муаммоларнинг борлигини кўрсатмоқда. Чунончи, корхоналарда турли йўналишларда ҳар хил молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари уларнинг яхлит илмий асосланган ҳисоб тизими ва аудиторлик текширувлари моделини яратишни, бу тизим ва моделларни инвесторлар ҳамда давлатимизнинг ҳозирги инвестиция сиёсати талаблари ҳамда халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни тақоза этади. Айнан шулар мазкур тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Мазкур диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Мамлакатни модернизациялаш ва инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида хизмат кўрсатиш, сервис ва туризмни ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

қўлланма. –Т.: Молия, 2010. 328 б; Н.М.Махмудов., Д.Н.Акабиров. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 356 с.; Инновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодиётни модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истикболлари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2015 .
³К.Друри. ManagementandCostAccounting, Том 2; Том 6.Cengage Learning EMEA, 2004. Ароора М.Н.Costand. Management Accounting: (theory, Problems and Solutions). Himalaya Publishing House, 2009.; М.И.Баканов., А.Д.Шеремет. Теория экономического анализа. М. Финансы и статистика. 2007; Р.Д.Дўсмуратов. Аудит асослари. Дарслик.-Т.:ЎМЭ, 2003.612 б., И.Н.Исманов. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент, 2009 й., А.Каримов ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.:2004 й. 592 б., Х.Н.Мусаев. Аудит. Дарслик. – Т.»Молия, 2003; З.Н.Қурбанов. Солиқлар ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати –Т.: БМА, 2008., И.Н.Қўзиев. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: 2017; А.Ж.Туйчиев. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Дис...икт.фан.д-ри.-Т.,2011; К.Б.Уразов. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобини концептуал масалалари.-Т.: Фан. 2005. 236 б., К.Б.Уразов. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик. – Т.» Фан ва технологиялар, 2019.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналарни модернизациялаш жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

корхоналарни модернизациялашнинг мақсад, жараён ва натижа сифатларидаги моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш;

корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларни таснифлаш асослари, уларни баҳолаш ва аниқлаш тартибларини такомиллаштириш;

корхоналарни модернизациялаш жараёнлари, асосий воситалар, номоддий активлар ва биологик активларга киритилган капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш;

корхоналарни модернизациялашни молиялаштириш манбалари бўйича ҳисоб ва молиявий ҳисобот шаклларидаги ахборот бериш имкониятларини кенгайтириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

корхоналарни модернизациялашни «мақсад-жараён-натижа» занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш моделини ишлаб чиқиш, шунингдек ушбу модел асосида модернизациялаш жараёнлари ва улар натижаларини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларга аудиторлик баҳосини бериш услубиятини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларига, чунончи «Паррандасаноат» уюшмасига қирувчи корхоналар олинган.

Тадқиқотнинг предмети корхоналарни модернизациялаш, улар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнлар ҳамда ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда диалектик ёндашув, дедукция, индукция, анализ, синтез, гуруҳлаш, танлаб текшириш, таққослаш, математик қурилмалар, экспертиза ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

0100-«Асосий воситалар», 0400-«Номоддий активлар», 0800-«Капитал қуйилмалар»ни ҳисобга олувчи счётлар таркибида модернизация жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларнинг ҳисоби учун алоҳида ишчи счётларни очиш таклиф этилган;

қишлоқ хўжалиги корхоналарида биологик активларга киритилган капитал инвестициялар ҳисобини киритиш асосида модернизация жараёнларини акс эттирувчи алоҳида ҳисоб объекти ва молиявий ҳисобот элементини шакллантириш асосланган;

ҳисоб сиёсатида модернизациялашни ички ва ташқи молиялаштириш манбаларининг турлари, кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловлари ҳисобини киритиш орқали бухгалтерия баланси ахборот имконияти такомиллаштирилган;

аудиторлик текширувини «мақсад-жараён-натижа» яхлит занжири асосида корхоналарни модернизация жараёнларини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш, аудит режаси ҳамда дастурини

шакллантириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

корхоналарни модернизациялашнинг алоҳида босқичларини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими, уларни баҳолаш мезонлари ва аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

корхоналарни модернизациялашнинг асосий йўналишлари ва уларга киритилган инвестициялар, шунингдек модернизациялашни молиялаштириш манбалари тўғрисида ахборотларни қўшимча меҳнат сарфларисиз тизимли шакллантириш имкони яратилган;

Республикамизда 41-сон МҲХС «Биологик активлар» талабларига мос келувчи биологик активларнинг мазмун-моҳияти, ушбу активларни шакллантириш ва туркумлашнинг миллий хусусиятлари, уларни баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиблари ишлаб чиқилган;

«Бухгалтерия баланси», «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот», «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»нинг корхоналарни модернизациялаш жараёнлари, натижалари ва уларни молиялаштириш манбалари тўғрисида ахборот бериш имкониятларини кенгайтириш эвазига ушбу ҳисобот шаклланинг шаффорлик ва нафлик даражаларини ошишига эришилган;

ишлаб чиқилган аудит моделини амалиётда қўллаш корхоналарни модернизациялаш жараёнларини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳолатига холис баҳо бериш, ушбу муҳим жараёнлар самарадорлигини ошириш, уларга доир ҳисоб ва ҳисоботда мавжуд хатоликларни бартараф этишга қаратилган аудиторлик тавсияларини беришга имкон берган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уларни модернизациялаш жараёнлари ҳисоби ва аудитига оид илмий-назарий ҳамда методологик муаммолар бўйича янада чуқур илмий тадқиқотларни амалга оширишда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда, «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанларини янада ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда бунга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан республикамизнинг турли тармоқ ва соҳаларига кирувчи субъектларда модернизациялаш жараёнлари, улар натижалари ва самарадорлигини баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш, аудиторлик текширувидан ўтказиш усул ва услубларини такомиллаштиришга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналарда модернизациялаш жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

0100-«Асосий воситалар», 0400-«Номоддий активлар», 0800-«Капитал

қуйилмалар»ни ҳисобга олувчи счётлар таркибида модернизация жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларнинг ҳисоби учун алоҳида ишчи счётларни очиш бўйича таклифи «Самарқанд-Парранда» АЖнинг ҳисоб сиёсатига киритилган («Самарқанд-Парранда» АЖнинг 2019 йил 20 декабрдаги 117-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида АЖда ишчи счётлар режаси такомиллаштирилган, модернизациялаш жараёнлари ва уларнинг натижалари тўғрисида тизимли ахборотларни олиш ва фойдаланувчиларга тақдим этиш имконияти ошган, бухгалтерия хизмати ходимларининг ушбу ишларга кетадиган меҳнат сарфи сезиларли даражада камайган;

қишлоқ хўжалиги корхоналарида биологик активларга киритилган капитал инвестициялар ҳисобини киритиш асосида модернизация жараёнларини акс эттирувчи алоҳида ҳисоб объекти ва молиявий ҳисобот элементини шакллантириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан молиявий ҳисоботларни тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 03/032-4451-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф қишлоқ хўжалик корхоналари ҳисоби ва балансида ҳозирги кунда узоқ ва қисқа муддатли активлар таркибида акс эттириб келинаётган биологик активларни халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисобот шаклларига трансформация қилиш имконини берган;

ҳисоб сиёсатида модернизациялашни ички ва ташқи молиялаштириш манбаларининг турлари, кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловлари ҳисобини киритиш орқали бухгалтерия баланси ахборот имкониятини такомиллаштириш бўйича тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан молиявий ҳисоботларни тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 03/032-4451-сон маълумотномаси). Натижада, модернизациялаш манбаларини алоҳида махсус счётларда акс эттириш бўйича тавсиялар, шунингдек молиявий ҳисоботга тушунтириш хатига илова сифатида ички мақсадларда махсус «Модернизация жараёнлари ва уларни молиялаштириш манбалари тўғрисида маълумотнома»ни тавсия этилган шаклда тузиш ва раҳбариятга тақдим этиш инвесторларнинг корхоналар ҳисоб ва ҳисобот тизимига ишончини оширган;

аудиторлик текширувини «мақсад-жараён-натижа» яхлит занжири асосида киритиш корхоналарнинг модернизация жараёнларини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш, аудит режаси ҳамда дастурини шакллантириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан молиявий ҳисоботларни тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2019 йил 26 декабрдаги 03/032-4451-сон маълумотномаси). Натижада, соҳа субъектлари ички аудит хизмати ходимлари томонидан модернизация жараёнларини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари реаллигини текшириш, улар бўйича ижобий ва салбий ҳолатларга баҳо бериш ва тегишли

бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аудиторлик ҳисоботларини тайёрлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий-услубий тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, шундан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Корхоналарда модернизациялаш жараёнлари ҳисоби ва аудитининг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида корхоналарни модернизациялашнинг моҳияти, заруратлари, аҳамияти, улар ҳисоби ва аудитига қўйиладиган талаблар, модернизациялаш жараёнлари бўйича ҳисоб ва аудит объектларини таснифлаш ва тавсифлаш асослари, шунингдек ушбу жараёнларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларни баҳолаш ва аниқлаш тартиблари тадқиқ этилган.

Адабиётларда иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлган корхоналарни модернизациялашга тушунча, атама, категория сифатида турлича таъриф ва тавсифлар берилган. Бироқ, ушбу берилган таъриф ва тавсифларда⁴:

корхоналарни модернизациялашнинг нимадирларни (масалан, станокни, жиҳозларни), қандайдир объектларни, жараёнларни, уларга қўйиладиган талаблар ва меъёрлар, техник шартлар, шарт-шароитларни янгилаш эканлиги эътироф этилган, холос;

микродаражадаги модернизациялашнинг кўлами, йўналишлари, уни корхоналарда амалга ошириладиган қандай жараёнларга, шунингдек уларнинг қайси активларининг аниқ турларига доирлиги тўлиғича ўз ифодасини топмаган, чунончи, берилган таърифларда модернизациялашнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни энг замонавий юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ҳамда юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишлиги ёрқин ифодаланмаган;


микродаражадаги модернизациялашнинг қандай манбалар эвазига амалга оширилиши ўз ифодасини топмаган.

Бизнингча, микродаражада, яъни корхоналарда амалга ошириладиган модернизациялашга берилган таъриф унинг юқорида эътироф этилган барча жиҳатларини акс эттириш талабларига жавоб бериши лозим. Шунингдек, корхоналарни модернизациялашга берилладиган таъриф фойдаланувчиларга ҳисоб ва аудит маълумотларини модернизациялашнинг турлари, йўналишлари ва молиялаштириш манбалари бўйича тақдим этишга имкон бериши керак, деб ҳисоблаймиз.

⁴Большой экономический словарь. - М.: Книжный мир, 2003.- 895 с; Алимардонов Т. Ҳаракатлар стратегияси - Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичи / Халқ сўзи, 1919 йил 29 январь; Каллагов, Э.Х. Модернизация промышленных предприятий в российской экономике. Автореф.на соис. канд.экон.наук, М., 2003; Вахабов А.В., Разыкова Г.Х. Модернизация экономики, Ташкент, 2014.- 89-б.; Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация –иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари – Тошкент, Наврўз, 2014, 18-б.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, диссертация ишимизда корхоналарни модернизациялашга қуйидагича таърифни бердик: **корхоналарни модернизациялаш** деганда корхоналар фаолиятини барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш мақсадида ўз маблағлари ва четдан жалб этилган маблағлар, чунончи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, тижорат банклари кредитлари ҳамда бошқа кредиторлик қарзлар ҳисобидан таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш, бошқариш ва бошқа хўжалик жараёнлари моддий техника базасини янги объектларни қуриш, мавжуд объектларни қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш, инфратузилма объектларини ободонлаштириш, юксак самарали энг замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологияларни харид қилиш ва қўллаш асосида янгилаш, замонавийлаштириш ва мукаммаллаштириш тушунилади.

Корхоналарда амалга оширилаётган модернизациялаш улар учун мақсад, жараён ва натижа бўлиб ҳисобланади. Мақсад сифатида модернизациялаш корхонанинг режасини, жараён сифатида модернизациялашни ҳақиқатда амалга оширилганлигини, натижа сифатида модернизациялаш эришилган ютуқларни ифода этади. Айнан ушбу мантиққа таянилган ҳолда, ишимизда корхоналарни модернизациялашга «мақсад-жараён-натижа» занжири ҳалқалари кесимида қуйидагича таърифлар ҳам берилди (1-расм).



1-расм. Корхоналарни модернизациялашнинг «мақсад-жараён- натижа» занжиридаги тавсифи⁵

⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Фикримизча, биз томонимиздан корхоналарни модернизациялашга юқорида берилган таърифлар ўзида ҳозирги пайтда корхоналарда буткул янги мазмун ва сифатда олиб борилаётган модернизациялаш жараёнларини тўлиқ ифода этади.

Биз томонимиздан корхоналарни модернизациялашнинг ҳисоб ва аудит объектлари сифатида таснифлаш негизига ахборот фойдаланувчилар учун муҳим аҳамиятга молик бўлган қуйидаги учта мезон (белги)ни олиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва ушбу белгилар бўйича корхоналарни модернизациялашнинг ҳисоб ва аудит объектлари сифатида қуйидагича таснифи тавсия этилди (2-расм).




2-расм. Модернизациялаш жараёнларининг ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифи⁶

Корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар таркибини белгилаш, уларни тизимлаш, таснифлаш, баҳолаш ва аниқлаш бўйича олимлар ўртасида турлича қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Бизнингча, корхоналарда модернизациялаш жараёнларини ифодаловчи кўрсаткичларни тизимлаш негизига «мақсад-жараён-натига» занжирида шаклланадиган

⁶ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

кўрсаткичларни олиш мақсадга мувофиқ. Ушбу занжирга асосан ишимизда корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар 3 та гуруҳга (ҳалқага) ажратилди, уларнинг таркибига кирувчи 19 та асосий микдор ва сифат кўрсаткичлар белгиланди, шунингдек мазкур кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш бўйича муаллифлик тавсиялари ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Корхоналарни модернизациялашни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими⁷

Ишимизда корхоналарни модернизациялашни «мақсад-жараён-натижа»

⁷ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

занжири асосида баҳолаш учун биз томонимиздан танлаб олинган айрим кўрсаткичларни қуйидагича ҳисоб-китоб қилиш алгоритмлари тавсия этилди:

1. Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга бўлган талаб (муҳтожлик) даражаси ($M_{\text{мдав}}$, $M_{\text{мдна}}$):

$$M_{\text{мдав}} = (1 - \text{Э}_{\text{дкав}}) * Y_{\text{кав}}; \quad (1)^8$$

$$M_{\text{мдна}} = (1 - \text{Э}_{\text{дкана}}) * Y_{\text{кна}} \quad (2)^9$$

Бу ерда: $Y_{\text{дкав}}$ – ўтган ҳисобот йил охирига асосий воситаларнинг эскириш даражаси; $Y_{\text{дкана}}$ – ўтган ҳисобот йил охирига номоддий активларнинг эскириш даражаси; $Y_{\text{кав}}$ – асосий воситаларни янгилашнинг режа коэффиценти; $Y_{\text{кна}}$ – номоддий активларни янгилашнинг режа коэффиценти;

2. Ҳисобот йили бошига асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялаш учун зарур бўлган капитал инвестицияларга талаб (муҳтожлик) суммаси ($M_{\text{ски}}$):

$$M_{\text{скинав}} = \text{AB}_{\text{бк}} * M_{\text{мдав}} \quad (3)^{10}$$

$$M_{\text{скина}} = \text{HA}_{\text{бк}} * M_{\text{мдна}} \quad (4)^{11}$$

Бу ерда: $\text{AB}_{\text{бк}}$ – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати; $\text{HA}_{\text{бк}}$ – номоддий активларнинг бошланғич қиймати.

3. Ҳисобот йилида модернизациялашга сарфланган жами капитал инвестициялар суммаси ($M_{\text{Сжкис}}$):

$$M_{\text{Сжкис}} = T_{\text{кийб}} + Y_{\text{ки}} \quad (5)^{12}$$

Бу ерда: $T_{\text{кийб}}$ – ҳисобот йили бошига тугалланмаган капитал инвестициялар; $Y_{\text{ки}}$ – ҳисобот йилида қилинган янги капитал инвестициялар.

4. Ҳисобот йилида модернизациялашга сарфланган тугалланган капитал инвестициялар суммаси ($T_{\text{кис}}$):

$$T_{\text{кис}} = T_{\text{кийб}} + Y_{\text{ки}} - T_{\text{кийо}} \quad (6)^{13}$$

5. Ҳисобот йилида алоҳида жараёнларни (таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш, бошқариш) модернизациялашга капитал инвестицияларнинг жами корхонани модернизациялашга капитал инвестициялардаги улуши ($\text{КИ}_{\text{ажу}}$)

$$\text{КИ}_{\text{ажу}} = \text{КИ}_{\text{ажс}} * 100\% / \text{КИ}_{\text{м}} \quad (7)^{14}$$

Бу ерда: $\text{КИ}_{\text{ажс}}$ – алоҳида олинган жараёнларга (таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш, бошқариш) қилинган капитал инвестициялар суммаси; $\text{КИ}_{\text{м}}$ – яхлит корхонани модернизациялашга қилинган капитал инвестицияларнинг жами суммаси.

6. Ҳисобот йилида модернизациялаш эвазига асосий воситалар (номоддий активлар)нинг янгилашиш даражаси ($\text{AB}_{\text{яд}}$, $\text{HA}_{\text{яд}}$):

$$\text{AB}(\text{HA})_{\text{яд}} = (\text{C}_{\text{кийб}} + Y_{\text{ки}}) * 100\% / \text{AB}(\text{HA})_{\text{бк}} \quad (8)^{15}$$

Корхоналарни модернизациялаш натижаларини ифодаловчи барча

⁸ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

⁹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

¹⁰ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

¹¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

¹² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

¹³ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

¹⁴ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

¹⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

кўрсаткичларни уларнинг модернизациялашдан кейинги ва модернизациялашгача бўлган миқдори ёки даражалари ўртасидаги фарк сифатида аниқлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, яъни

$$\Delta K = K_{\text{мк}} - K_{\text{мо}} \quad (9)^{16}$$

Бу ерда: ΔK - корхоналарни модернизациялаш ва уларга киритилган капитал инвестициялар самарадорлигини ифодаловчи тегишли кўрсаткичлардаги фарқ; $K_{\text{мк}}$, $K_{\text{мо}}$ - корхоналарни модернизациялашнинг натижаларини ифодаловчи тегишли кўрсаткичларнинг модернизациялашдан кейинги ва унганча бўлган миқдори ёки даражаси.

Фикримизча, юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда корхоналарда модернизация жараёнларига баҳо бериш орқали самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва юқор ўсиш суръатларига эришиш таъминланади.

«Корхоналарда модернизациялаш жараёнлари бўйича ҳисоб ва ҳисоботни такомиллаштириш йўналишлари» деб номланган иккинчи бобда корхоналарда модернизациялаш жараёнлари, уларни молиялаштириш манбалари ҳисобининг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва ечимлари, шунингдек модернизация жараёнлари бўйича молиявий ҳисобот шаклларининг ахборот бериш имкониятларини кенгайтириш йўллари тадқиқ этилган.

Республикамизда амалда бўлган 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»да¹⁷ назарда тутилган 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар» тизими ўзининг номланиши, мақоми, қамраб олган счётлар таркиби бўйича корхоналарни модернизациялаш жараёнларининг барча йўналишларини, чунончи капитал қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологияларни, биологик активлар ва бошқа турдаги янги асосий воситаларни харид қилиш, шунингдек, мос равишда, уларга киритилган капитал инвестицияларни бевосита акс эттирмайди. Модернизациялашни корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти таркибий қисми сифатида роли ва аҳамиятининг ошиб бораётганлиги, ушбу жараёнлар тўғрисида реал ва кенг қамровли ахборотларга талабнинг борган сари ошиб бораётганлигидан келиб чиқиб, ишимизда амалдаги 0800-счётни «Модернизациялаш жараёнларини ҳисобга олувчи счётлар» деб номлаш, ушбу счётлар тизимига кирувчи счётлар таркиби, мақоми ва улар номига қуйидагича ўзгартиришлар киритиш тавсия этилди (1-жадвал).

Миллий ҳисоб тизимимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича қўйилаётган талаблар ҳамда вазифалар биологик активлар бўйича яхлит стандартни қабул қилишни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Шу боис ҳам, фикримизча, ҳозирги пайтда турли бошқа миллий стандартларимизда (чунончи, 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар», 5-сон БҲМС «Асосий воситалар») биологик активларга тегишли бўлган тартиб-қоидаларни

¹⁶ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

¹⁷ Ўз.Р. Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, № 1181.

**Корхоналарда модернизация жараёнлари ва уларга капитал
инвестициялар ҳисобини юритиш учун тавсия этилаётган
счётлар тизимлари¹⁸**

Амалдаги 21- сон БҲМС бўйича		Тавсия	
Счёт т/р	Счётнинг номи	Счёт т/р	Счётнинг номи
0800	Капитал қўйилма- ларни ҳисобга олувчи счётлар	0800	Модернизация жараёнларини ҳисобга олувчи счётлар
0810	Тугалланмаган капитал қурилиш	0810	Капитал қурилиш, кенгайтириш ва реконструкцияга инвестициялар
		0811	Янги капитал қурилишга инвестициялар
		0812	Мавжуд объектларни кенгайтиришга инвестициялар
		0813	Мавжуд объектларни реконструкция қилишга инвестициялар
0820	Асосий воситаларни сотиб олиш	0820	Асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар
		0821	Янги техникаларни харид қилишга инвестициялар
		0822	Юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилишга инвестициялар
		0823	Кўчмас мулкни харид қилишга инвестициялар
		0824	Бошқа асосий воситаларни харид қилишга инвестициялар
0830	Номоддий активларни сотиб олиш	0830	Номоддий активларга инвестициялар
0840	Асосий подани ташқил қилиш	0840	Асосий подани ташқил қилишга инвестициялар
0850	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	0850	Ерни ободонлаштиришга инвестициялар
0860	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	0860	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга инвестициялар
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	0890	Бошқа капитал инвестициялар

¹⁸ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

яхлит «Биологик активлар» номли миллий стандарт мақомида тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир. Ишимизда 41-сон МХХС «Қишлоқ хўжалиги», бошқа мамлакатларнинг ушбу номдаги стандартлари таҳлили, шунингдек республикамиз биосфераси хусусиятлари асосида биологик активларга муаллифлик таърифи берилди, ушбу активлар бўйича миллий ҳисоб тизимимизни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш учун амалдаги бухгалтерия балансида узок ва жорий активлар таркибида махсус мос равишдаги «Узоқ муддатли биологик активлар» ва «Қисқа муддатли биологик активлар» моддаларини назарда тутиш, ушбу моддалар таркибига, мос равишда, бир йилдан ортиқ муддатда ва бир йилгача муддатда иқтисодий наф келтирувчи чорва моллари ҳамда кўп йиллик ўсимликларни киритишнинг яхлит тартибини белгилаш тавсия этилди. Шунингдек, республикамизда амалда бўлган 21-сон БХМСда биологик активлар ва уларга капитал инвестициялар ҳисобини юритишга мўлжалланган счётлар таркибини ҳам қайта кўриб чиқиш, чунончи биологик активлар ва уларга капитал инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган 0170-«Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар», 0180-«Кўп йиллик ўсимликлар» ва 0840-«Асосий подани ташкил қилиш» счётлар тизимларига биологик активларнинг алоҳида турлари ҳисобини акс эттирувчи счётларни киритиш тавсия этилди.

Ишимизда модернизациялаш жараёнларини молиялаштириш манбалари тўғрисида ахборотларни ҳисоб ва ҳисоботда тизимли шакллантириш ва уларнинг ахборот бериш имкониятларини кенгайтириш мақсадида корхоналарда ушбу жараёнларни молиялаштиришнинг ички (ўз маблағлари) манбаларини акс эттиришга мўлжалланган амалдаги счётлар тизимларини қуйидагича такомиллаштириш тавсия этилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Корхоналарда модернизациялаш жараёнларини
молиялаштиришнинг ички манбалари ҳисобини юритиш учун
тавсия этилаётган счётлар тизимлари¹⁹**

Счёт т/р	Счёт т/р	Счётнинг номи
8510	8511	Модернизациялаш учун шакллантирилган қайта баҳолаш фонди
8520	8521	Модернизациялаш учун резерв капитали
8810	8811	Модернизациялаш учун олинган грантлар
8820	8821	Модернизациялаш учун олинган субсидиялар
8840	8841	Модернизациялаш учун корхонада қолдирилган солиқ имтиёзлари
8890	8891	Модернизациялаш учун олинган бошқа мақсадли тушумлар
8910	8911	Реконструкция, кенгайтириш, эски ишлаб чиқариш асбоб ускуналарни алмаштириш ва капитал таъмирлаш учун резервлар

¹⁹ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Модернизациялаш жараёнларини молиялаштиришнинг яна бир муҳим йўналиши бу ташқи молиялаштириш ҳисобланади. Ташқи молиялаштириш билан боғлиқ жараёнларни ҳисобга олувчи бухгалтерия ҳисоби счётларини такомиллаштириш юзасидан ҳам таклифлар берилди (3-жадвал).

3-жадвал

**Корхоналарда модернизациялаш жараёнларини
молиялаштиришнинг ташқи манбалари ҳисобини юритиш учун
тавсия этилаётган счётлар тизимлари²⁰**

Счёт т/р	Счёт т/р	Счётнинг номи
6630	6632	Модернизациялаш учун киритилган маблағлар эвазига устав капиталини кўпайтириш бўйича хорижий муассисларнинг улушлари
	6633	Модернизациялаш учун киритилган маблағлар эвазига устав капиталини кўпайтириш бўйича маҳаллий муассисларнинг улушлари
6810	6812	Модернизациялаш учун миллий валютада олинган қисқа муддатли банк кредитлари
	6813	Модернизациялаш учун хорижий валютада олинган қисқа муддатли банк кредитлари
6820	6822	Модернизациялаш учун миллий валютада олинган қисқа муддатли қарзлар
	6823	Модернизациялаш учун хорижий валютада олинган қисқа муддатли қарзлар
7810	7812	Модернизациялаш учун миллий валютада олинган узоқ муддатли банк кредитлари
	7813	Модернизациялаш учун хорижий валютада олинган узоқ муддатли банк кредитлари
7820	7822	Модернизациялаш учун миллий валютада олинган узоқ муддатли қарзлар
	7823	Модернизациялаш учун хорижий валютада олинган узоқ муддатли қарзлар

Модернизациялаш жараёнларининг молиялаштириш манбалари бўйича тавсия этилган счётлар тизимининг амалиётда қўлланилиши мазкур жараёнлар тўғрисида батафсил ахборотларни шакллантириш орқали корхонанинг жорий ва узоқ муддатли ликвидлиги, тўлов қобилияти ҳамда молиявий ҳолатини баҳолаш имконини беради.

Халқаро амалиётда қўлланилаётган 23-сон БХХС (IAS) «Қарзлар бўйича харажатлар» ва республикамизнинг 24-сон БҲМС «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби»да белгиланган тартибларни амалиётда қўллаш мақсадида модернизациялашни амалга ошириш учун жалб этиладиган ташқи

²⁰ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.


ва ички кредитлар ҳамда қарзлар бўйича фоиз тўловлари ва курс фарқларидан кўриладиган зарарларнинг тизимли ҳисобини юритиш учун 21-сон БҲМСга 0991-«Модернизациялаш учун олинган узоқ муддатли кредит ва қарзлар бўйича кечиктирилган фоиз тўловлари», 0992-«Модернизациялаш учун олинган узоқ муддатли кредит ва қарзлар бўйича кечиктирилган курс фарқларидан кўрилган зарарлар, 3191-«Модернизациялаш учун олинган қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловлари» ва 3192- «Модернизациялаш учун олинган қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича курс фарқларидан кўрилган зарарлар» счётларини киритиш тавсия этилди.

